

Мўмин сатр қилади, фожир эса фош қилади



11:07 / 12 январь 2325

Мусулмон инсон мусулмондан фикридаги бироз ўзгачалик, эътиқодидаги арзимас фарқлилик туфайли нафратланмайди. Шу билан унинг обрўсини тўкиб, ҳурматини оёқости қилмайди. Адоват қилмайди. Тарк этмайди. Балки, унга соҳиб чиқади. Ҳикмат ва гўзал сўзлар билан ўзи тўғри деб билган нарсага чақиради. Ҳаққиға дуолар қилади.

Муғира ибн Миқсам Заббий айтади: "

«Бир одам бор эди. Динда яхши ҳолатда эди. Бир куни бидъатга аралшиб қолди ёхуд қайсидир гуноҳни содир этди. Шунда унинг дўстлари ва атрофидагилар уни ўзларидан узоқлаштириб, ундан воз кечиб юбордилар. Бу воқеа Иброҳим Нахайй раҳимаҳуллоҳнинг қулоғига етиб борган эди, унинг дўстларига: «Унга етишинг, насиҳат қилинг ва асло ўз ҳолига ташлаб қўйманг!», деди. («Ҳилятул авлиё» 4-жилд, 232-бет).

Фузайл ибн Иёз раҳимаҳуллоҳ айтади:

«Мўмин сатр қилади, ваъз ва насиҳат қилади. Фожир эса фош қилади, шарманда ва овоза қилади» («Ҳилятул авлиё» 8-жилд, 95-бет).

Суфён Саврий раҳимаҳуллоҳ дедилар:

«Яхшиликка юшоқлик билан буюр. Агар қабул қилса, Аллоҳ аzza ва

жаллага ҳамд айтасан. Бордию қабул қилмаса, яна ўзинг билан машғул бўласан. Зеро, ўз нафсинг борасида қиладиган ишларинг етарлидир» («Ал-жарҳ ват-таъдил» 1-жилд, 124-бет).

Алишер Султонходжаев

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 16 июндаги 03-07/4775-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.